

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-2>

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Гулямов Сайдахрар
Саидахмедович
академик

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Вохидова Мехри Хасановна
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.
Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор
Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент
Сайфуллаева М.
Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
Екатерина Геннадьевна Господарик к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,
Назаров Ш. Х. - и.ф.д.
Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,
Валиев Б. - PhD.
Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

Жиянова Н.Э. - и.ф.н., доц.

08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор
Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.
Вохидова М.Х. - PhD.

08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

Гулямов С.С. - академик
Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,
Каршиев М.Э.

Маматкулов И.
Ғойипназаров С.Б. - PhD
Кадилова З.А. - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов


Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Dusmatov Begmuhammad, Dusmatova Ma'mura INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AIC AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT.....	4
2. Saidov Farrukh BASIS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL PLATFORMS INFRASTRUCTURE.....	12
3. Safarov Bakhodirkhan, Barrayeva Shahriniso PILGRIMAGE TOURISM - TRAVELERS AND PILGRIMNS RELIGIOUS, HISTORICAL PLACES, PERSONS KNOWING THEIR WAY OF LIFE.....	17
4. Dusanov Salim THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY.....	22
5. Kholmuratova Shakhnoza THE ESSENCE OF THE QUALITY OF EDUCATION IN ECONOMIC DIRECTIONS AND ITS EVALUATION INTERNATIONAL METHODS.....	29
6. Mamatkulova Shoirra THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY AND NETWORKS IN LABOR MARKET DEVELOPMENT.....	36
7. Norkulova Dilfuza, Jurakulov Khusen IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY.....	41
8. Khayitov Jamshid THE ROLE OF IMPROVEMENT SERVICES IN REFORMING THE NATIONAL ECONOMY.....	46
9. Babanazarova Sevara INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL.....	51
10. Usmanova Sabokhat, Gulyamova Nigora PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	56
11. Julieva Yulduz PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	64
12. Sattarova Nargiza QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES.....	69
13. To'raev Dilshod WAYS TO REGULATE THE SECRET ECONOMY THROUGH TAXES.....	75

Жулиева Юлдуз

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**For citation:** Julieva Yulduz. PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 2. pp.64-68 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8165929>**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, хусусан, замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш борасидаги ишлар таҳлили ўрганилган. Туризм соҳасининг ривожланиши ва туристларга кўрсатилган хизматлардан келаётган тушумлар мисоллар орқали келтирилган. Келажакда соҳа ривожига доир таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм инфратузилмаси, пандемия, ички туризм, зиёрат туризм, инновацион технология, ҳудуд, саёҳат, эҳтиёж, маҳаллий сайёҳ, замонавий технологиялар.

Julieva YulduzMaster of the Samarkand Institute
of Economics and Service**PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR****ABSTRACT**

This article studies the development of the tourism industry in Uzbekistan, in particular, the analysis of work on the formation and improvement of modern tourism infrastructure. The examples show the development of the tourism industry and income from services provided to tourists. Suggestions and recommendations for further development of the industry are given.

Keywords: tourism, tourism infrastructure, pandemic, domestic tourism, pilgrimage tourism, innovative technologies, territory, travel, need, local tourist, modern technologies

Джулиева Юлдуз

магистр Самарқандского института экономики и сервиса

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЕ ТУРИСТИЧЕСКОГО СЕКТОРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучено развитие индустрии туризма в Узбекистане, в частности анализ работы по формированию и совершенствованию современной туристической инфраструктуры. На примерах представлены развитие туристической отрасли и доходы от услуг, оказываемых туристам. Даны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию отрасли.

Ключевые слова: туризм, инфраструктура туризма, пандемия, внутренний туризм, паломнический туризм, инновационные технологии, территория, путешествие, потребность, местный турист, современные технологии.

Кириш

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, хусусан, замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, туризм фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги стандартлар ва бошқарув тизимлари такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, транспорт тармоқларини ривожлантириш орқали инфратузилмани такомиллаштириш, инновацион технологияларни қўллаш, махсус туристик-рекреацион ҳудудларни ташкил қилиш борасида тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда бумасалаларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш саъй-ҳаракатлари тобора кучайтирилмоқда.

Бу жараёнда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»^[1] муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий туризм инфратузилмасини такомиллаштириш орқали хорижлик туристлар оқимини кўпайтириш, ички туризмга маҳаллий аҳолини кенгроқ жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, туристик ресурслардан мақсадли фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон, 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5054-сон қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт йўналишларида инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони ҳамда 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5054-сон қарори, Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон Фармонлари соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри англаб етиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу ҳақда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри турли-туман бўлиб, турлича қараш ва концепциялар мавжуд.

Россиялик иқтисодчи олим М.А.Винокуров туризмга “Туризм бу – хордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш, зиёрат қилиш, бизнес қилиш мақсадида инсон томонидан бўш вақтда амалга ошириладиган саёхатдир” деб таъриф берган [2].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим И.С.Тўхлиевнинг таърифига кўра, туризм бу – туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар туридир [3].

Жумладан, А.Ю.Александрова «Кишиларнинг доимий турар жойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган муносабатларва ходисалар йиғиндиси туризмдир»,- деб таъкидлаб ўтган.

Ю.В.Тишуков эса “Туризм –мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий тураржойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий- ишбилармонлик, спорт,диний ва бошқа мақсадларда вақтинчашаб турган мамлакатдаги ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатларидир”,- деган фикрни билдиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим хорижий ва маҳаллий олимлар туризмнинг жадал тараққиёти алоҳида тармоқ ҳолидаги индустриядир, деган фикрларни олға суришмоқда.

Туризм соҳасининг асосий объектларидан бири – туристик хизматлар бўлиб, Россиялик иқтисодчилар И.В.Зорин ва В.А.Квартальновлар туристик хизматларга қўйидагича таъриф берадилар:

Туристик хизматлар – бу туристик эҳтиёжларни қондирувчи асосий, қўшимча ва комплекс хизматлар мажмуидир. Улар асосий хизматларга сайёҳликни ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур хизматлар, қўшимча хизматларга саёҳат ўз ичига олмаган ва эҳтиёж бўлган ҳолда дам олиш жойида тақдим қилинадиган хизматлар, комплекс хизматларга чиптада қафолатланган туристик хизматлар мажмуини киритганлар [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда туризм хизмат кўрсатиш жараёнини кўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон ҳам бугунги кунда катта туризм салоҳиятига эга мамлакатлар қаторидан ўз ўрнини эгаллаб олмоқда. 2016 йилда Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилди. Халқаро сайёҳлар сони 2016 йилдаги 2 млн.дан 2019 йилда 6,7 млн.гача кўпайди. БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2019 йилда энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналишига эга мамлакатлар бешлигига кирди.

2016–2021 йилларда маҳаллий сайёҳларнинг сони 24 млн.га етган бўлса, хорижликларнинг сони қарийб 20 млн. кишини ташкил этди. Коронавирус пандемияси сабаб, 2020 йилда Ўзбекистонга 1,5 млн., 2021 йилда эса, 1,7 млн. чет эллик сайёҳлар ташриф буюрган.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини туризмсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Жаҳон туризми макориктисодий кўрсаткичларига тўхталинса, туристлар сони 2010 йилда 925 млн., 2015 йилда 1,196 млн., 2016 йилда 1,241 млн., 2017 йилда 1,329 млн., 2018 йилда 1,401 млн., 2019 йилда 1,462 млн.дан ортиқни ташкил этган ҳолда йиллик ўсиш 3,8 % бўлди. Жаҳон сайёҳлик сектори 2022 йилнинг биринчи чорагида COVID чекловлари юмшатилагани сабабли туризмнинг глобал тикланиши фонида 182 фоизга ўсди [5]. Бутун дунё бўйлаб турли йўналишларга жами 117 миллион сайёҳ қабул қилинди, 2021 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 41 миллионга етди [6].

Жаҳон миқёсида жорий йилнинг биринчи чорагида халқаро рейслар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 3 баравар кўпайди, бу борада Европа етакчилик қилмоқда. Минтақа ичидаги кучли талаб туфайли Европа қарийб тўрт баравар кўп (+280 фоиз) туристик рейсларни қабул қилди. Америка қитъасида парвозлар икки баробардан кўпроқ (+117 фоиз) ошди. Бироқ, бу кўрсаткичлар ҳали ҳам 2019 йилги COVID дан олдинги даражадан 43 фоиз ва 46 фоиз паст. Яқин Шарқ (+132 фоиз) ва Африкада (+96 фоиз) ҳам 2022 йилнинг биринчи чорагида 2021 йилга нисбатан кучли ўсиш кузатилди, бироқ парвозлар сони

2019 йилга нисбатан 59 фоиз ва 61 фоиз кўрсаткичларини кўрсатди. Осиё-Тинч океани минтақаси 2021 йилга нисбатан 64 фоизга ўсган, бироқ бу даража яна 2019 йилга нисбатан 93 фоизга паст, чунки баъзи йўналишларга бориш мумкин бўлмаган. Европанинг Кариб денгизи ва Жанубий Ўрта ер денгизи минтақалари энг тез тикланиш суръатларини кўрсатишда давом этмоқда, сайёҳлик рейслари 2019 йилга нисбатан 75 фоизга етди, баъзи йўналишлар эса пандемиядан олдинги даражага етди ёки ошиб кетди.

Халқаро туризм даражаси 2019 йил даражасидан 61 фоиз пастлигича қолаётган бўлса-да, бу йил давомида сектор аста-секин тикланиши кутилмоқда, чунки кўпроқ йўналишлар саёҳат чекловларини юмшатади ёки олиб ташлайди ва пасайтирилган талаб қолмайди. Июнь ойи бошида 45 та йўналиш (шундан 31 таси Европада) COVID-19 билан боғлиқ чекловларни аллақачон олиб ташлаган. Осиёда кўпайиб бораётган сайёҳлик йўналишлари ҳам ушбу чекловларни юмшата бошлади. Баъзи йирик туризм бозорларининг, асосан, Осиё-Тинч океани минтақасида ёпилишининг давом этиши, шунингдек, Украинадаги вазият билан боғлиқ ноаниқлик халқаро туризмнинг самарали тикланишини кечиктириши мумкин. Умуман, халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари кўрсатишича, ҳар бир минтақа турмаҳсулотларини жаҳон талаби даражасига келтириш ва маркетинг соҳасидаги (Европа ва Америка минтақаси тажрибаси асосида) баъзибир камчиликларни бартараф этиш учун кўпроқ маблағ ажратиш тақозо қилинади.

Мамлакатмиз Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида соҳада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда мамлакатимизда ички туризмни рағбатлантириш учун авиа ва темирйўл чипталарига 40 фоизгача субсидиялаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан 15 фоизгача чегирмалар ташкил этилган. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури жадаллаштирилиб, “Ички туризм ойлиги” “Ички туризм ҳафталиги” ҳамда “Ички туризм кунлари” эълон қилинди. 2021 йилда республика ҳудудлари бўйлаб жами 7,5 миллион маҳаллий сайёҳнинг саёҳатларини ташкил этилди. Бунда 1 875,0 миллиард сўм туризм хизматларини кўрсатиш ҳамда туризм соҳасидаги 35 минг иш ўрнини қайта тиклаш белгиланди. 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, республика бўйича жами 706 минг, 1 июнь ҳолатига кўра эса 1 миллион 600 минг маҳаллий аҳолининг юртимиз бўйлаб сайёҳати ташкил қилинди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳудудларда ташкил этилаётган турли катта-кичик фестиваллар, форум ва сайллар, спорт мусобақалари, катта конференциялар доирасида ҳам ички туризм кўрсаткичлари ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ички туризмнинг янада равнақ топиши юртимиз аҳолисининг сайёҳлик салоҳиятини ошириб, дунёнинг машҳур туристик манзилларидан кам бўлмаган диққатга сазовор масканларимиз гўзаллигидан, тарихий обидаларимизнинг кўрку тароватидан баҳраманд бўлиш имконини кенгайтиради. Ички ва ташқи туризм таркибида муҳим йўналишлардан бири бўлган зиёрат туризми ҳам кенгайиб, одамларнинг ушбу йўналишдаги қизиқишлари ортиб бораётгани эътиборга молик. Туризм ва спорт вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йилда кўшни ва МДХ давлатларидан ташқари, узоқ хориж давлатларидан 325 мингдан ортиқ сайёҳ мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилган бўлса, уларнинг 35 фоизи, яъни 115 мингдан ортиғи мусулмон сайёҳлар ҳиссасига тўғри келади. 2019 йилда эса мусулмон сайёҳлар хориж мамлакатларидан келган жами сайёҳлар сонига нисбатан 34 фоизни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 49 минг 787 нафар (59 фоиз)ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, 2021 йил 1 мартдан бошлаб Баҳрайн Қироллиги, Қатар, Қувайт давлатлари, Уммон Султонлиги фуқаролари 10 кунгача визасиз режим тизими орқали юртимизда саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишди. Бу ҳам, ўз навбатида, зиёрат туризми ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. 2007 йилда Тошкент шаҳри, 2020 йилда эса Бухоро шаҳри Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан “Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. 2019 йилнинг 21-23 февраль кунлари

Бухоро шаҳрида ўтказилган I халқаро зиёрат туризми форумида Ўзбекистонни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида Бухоро декларацияси қабул қилинди.

Mastercard ва CrescentRating ташкилотлари томонидан тузилган “Жаҳон мусулмон саёҳати индекси 2019” халқаро рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёда мусулмон сайёҳларни жалб қилаётган мамлакатларнинг йигирматалигига кирди. Шу билан бирга, мамлакатимиз “Halal Travel Frontier 2020” ҳисоботида исломий меросни қайта тиклаш орқали мусулмонлар туризми бозорида янги трендга асос солган мамлакат сифатида эътироф этилди. 2021 йилнинг 10 апрель куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган норасмий саммитида Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмни ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг мусулмон мамлакатлари орасида оммалашиши ва зиёрат туризмнинг асосий ташриф масканига айланишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, юртимизда туризмнинг кўплаб йўналишларида етарли салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Улардан унумли ва самарали фойдаланиш орқали ушбу соҳа ривожини янада юқори босқичга олиб чиқиш, туризмнинг иқтисодийдаги улушини янада оширишга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Ўқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пандемия даври ва ундан кейинги дастлабки йилларда соҳанинг тикланиши ва ривожланишида замонавий технологиялар муҳим роль ўйнаши мумкин. Ижтимоий масофа сақлаш, гигиена протоколлари яқин келажакда сақланиб қолиши мумкинлиги сабабли, рақамли технологиялар орқали хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши соҳага инвестициялар тикланиши учун кўприк бўлади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, рағбатлантириш ва қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, қуйидаги вазифалар бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади деб уйлаймиз:

- туризм намоёниши объектлари инфратузилмаси, биринчи навбатда маданий мерос ва зиёрат объектлари, музейлар, театрлар ва жойлаштириш воситаларида ногиронлиги бўлган шахслар учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;
- туризм соҳаси субъектлари, шу жумладан, туроператор ва турагентлар, жойлаштириш воситалари ҳамда транспорт хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга саёҳат давомида ҳамроҳлик қилувчи фуқароларни рағбатлантириш;
- туризмни амалга ошириш учун яратилган имкониятларни тизимли ҳамда фаол тарғибот кампанияларини ташкил этиш орқали улар хабардорлигини ошириш;
- замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда туризм намоёниши объектларида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Винокуров М.А., Что такое туризм?/научная статья- www.dissercat.com
3. Тўхлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик.- Тошкент, «Иқтисодий-молия» нашриёти. 2010.-254 бет.
4. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. — М.: Финансы и статистика, 2003. — 368 с.
5. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўз (UNWTO) ҳисоботи
6. «Жаҳон туризми барометри» дунёда туризм сектори ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000